

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 96/109703

Навоий шаҳрида жойлашган иссиқлик тармоқлари қувурларини  
торкрет улсубида таъмирлаш

«» 22 07 2022й.

Кармана тумани

“Низом” асосида фаолият юритувчи “ИССИҚЛИК МАНБАИ” ДУК Навоий вилояти”, кейинги ўринларда “Буюртмачи” номидан унинг бошлиғи Улукназаров Бехзад Махмудович бир томондан, “Низом” асосида фаолият юритувчи “ZARBULOQ INJINIRING” МЧЖ кейинги ўринларда «Пудратчи» номидан унинг бош директори Юсупов Дониёр Мухтарович иккинчи томондан. Бундан кейин ҳар икки шартнома субъектлари “Тарафлар” деб юритилади. “Тарафлар” ушбу шартномага асосан қуйидагиларга келишдилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА ШАРТНОМА БАХОСИ

1.1 Пудратчи Буюртмачининг топшириғига кўра қуйидаги ишларни бажаради:

№ т/р	Ишларнинг номи	Ўл. бирлиги	Миқдори	Шартноманинг умумий қиймати, ҚҚС билан (битим суммаси)
1	Навоий шаҳрида жойлашган диаметри 720 мм узунлиги 750 пм бўлган иссиқлик тармоқлари қувурларини торкрет улсубида таъмирлаш	хизмат	1	682 875 000
<b>Жами:</b>				<b>682875 000</b>

1.2 Ишлар Пудратчининг ускуналари, материаллари ва иш кучи билан амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий баҳоси 1.1-бандида белигиланган **ҚҚС билан 682 875 000 (Олти юз саксон икки миллион саккиз юз етмиш беш минг) сўмни** ташкил этади.

1.4 Буюртмачи 1.1-бандида кўрсатилган ишлар ва тўловларни амалга ошириш, ушбу Шартномада белигиланган тартиб ва муддатлар асосида амалга оширилади.

## 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1 Буюртмачи шартнома рўйхатдан ўтказилгандан кейин 10 (ўн) банк куни ичида Пудратчининг ҳисоб-китоб ҳисобвароғига асосан шартнома умумий суммасининг **15%** миқдорида аванс тўловини ўтказади.

2.2 Ҳақиқий бажарилган иш ҳажми учун тўлов ишларнинг тугалланганлиги тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади. Шартнома бўйича ишлаш ва Пудратчи томонидан тўлов учун ҳисоб-фактурани тақдим этиш – тўлов жадвали асосида амалга оширилади. (Томонлар томонидан имзоланган тўлов жадвали ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, Илова №1).

2.3 Тўлов санаси – Буюртмачи томонидан Пудратчининг ҳисоб-китоб ҳисобвароғига тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида Буюртмачининг банк кўчирмасининг санаси орқали ҳисобланади.

2.4 Шартнома иш ҳажмининг баҳоси шартноманинг амал қилиш муддати даври даъвомида ўзгартирилмайди. Иш ҳажми юзасидан ўзгаришлар алоҳида объектлар учун ишлар нархи ўзгартирилмаган ҳолда шартномага ўзгартиришга йўл қўйилади.

2.5 Ушбу шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тарафлар томонидан олдиндан келишилади ва “Қўшимча келишув” шартноманинг таркибий қисми сифатида расмийлаштирилади.

## 3. БАЖАРИЛГАН ИШЛАР МУДДАТИ ВА ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

3.1 Бажариладиган ишлар муддати **15 (ўн беш) кун**.

3.2 Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар шартнома шартларида белгиланган

муддатлардан кечиктириб бажарилганда, шунингдек Буюртмачи томонидан бажарилган ишлар учун ёхуд якуний тўловлар учун белигиланган тўловлар шартнома шартларида белигиланган муддатлардан кечиктирилганда, айбдор тараф кечиктирган хар бир кун учун Шартнома баҳосининг 0.1 % миқдорида пеня тўлайди. Пенялар миқдори бажарилмаган ишлар қийматидан ёки ўтказилмаган тўловнинг 50% миқдоридан ортиб кетмаслиги керак.

3.3 Буюртмачи бажарилган ишлар юзасидан тузилган далолатномаларни 5 (беш) кун ичида имзолаб тасдиқлаши ёки ўз эътирозларини ёзма тарзда асослантирилган холда Ижрочига топширмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига ушбу шартнома қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

#### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1 Буюртмачининг мажбурияти:

- Пудратчини мавжуд лойиха ҳужжатлари билан таъминлаш.
- Пудратчи иш бошлашдан олдин Буюртмачи томонидан Пудратчига объектдаги фавкулотда ҳолатдаги босимли қувурларни аниқлаб кўрсатиши лозим. Пудратчи мутахассисларинининг ушбу шартнома бўйича ишларни бажаришнинг бутун муддати давомида иш жойига киришини таъминлаш.
- иш хажмлари бажарилиши вақтида узлуксиз электроэнергия билан таъминлаш.
- таъмирлашга берилган қувур сув қолдиғидан тўлиқ тоза қилиниши;
- Пудратчига мавжуд лойиха ҳужжатларини тақдим этиш.
- Пудратчининг мутахассисларини, енгил ва юк авто транспорт воситаларини, техника ва инструментларни иш объектларига Шартномада белигиланган ишлар бажарилгунга қадар кириш-чиқиш таъминлаш.
- Ўз вақтида ишларни молиялаштирилишини таъминлаш.
- Пудратчининг объектдаги ишларни бажариш учун, ўз мутахассисларини, ускуналарини ва материалларини объектга ҳеч қандай қаршиликларсиз олиб киришини таъминлаш ва Пудратчини объектдаги бажарган ишларни ўрнатилган тартиб ва қоидаларга мувофиқлигини текшириш.
- Ушбу шартномада белгиланган тартибда Пудратчининг объект қурилишида фаолият кўрсатувчи ишчи-ҳодимларини объектда яшаш учун алоҳида хоналар, электр тармоғидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва маиший мақсадлар учун сув, хожатхонадан фойдаланиш имкониятларини яратиб бериш.
- Пудратчи томонидан бажарилган ишлар далолатномасини ўз вақтида яъни, 5 (беш) иш куни ичида расмийлаштириш ёки бажарилган ишларнинг нуқсонлари аниқланганлиги юзасидан асослантирилган тарздаги ҳулосасини кўрсатилган муддатда тақдим этади.
- Пудратчи томонидан иссиқлик тармоқлари қувурларини торкрет улсубида таъмирлаш ишлари Пудратчи томонидан якунлангандан сўнг, Буюртмачи Пудратчини розилигисиз ҳеч-қандай ишлар олиб борилмайди. Акс холда торкретланган қатламлар шикастланганда барча жавобгарлик буюртмачини зиммасига ўтади.
- Буюртмачи бажарилган ишлар юзасидан тузилган далолатномаларни 5 (беш) кун ичида имзолаб тасдиқлаши ёки ўз эътирозларини ёзма тарзда асослантирилган холда Ижрочига топшириши шарт.
- Ушбу Шартномани бажариш учун учинчи томонларни жалб қилинмайди.

##### 4.2 Пудратчининг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган ишларни бажариш тарафларнинг келишуви билан белигиланган нархлар ва муддатларда амалга оширилади.
- Тарафлар томонидан келишилган лойиха смета ҳужжатларига мувофиқ тарзда ишлар бажарилади.
- Пудратчи фақат бажарган ишига қафолат беради. Босимли қувурни бошқа

қисмларига кафолат бермайди.

- Ишлар қабул қилингандан сўнг кафолат муддати даъвомида аниқланган камчилик ва нуқсонларни 1 (бир) ой муддат ичида ўзининг ҳисобидан бартараф этади.

- Объектда ишлар бажариш учун келиш ва кетиш қоидаларини белигиланган тартибда назоратини олиб боради.

- Пудратчи пудрат ишларини бажариш даъвомида объектдаги фаолият юритаётган ишчи ва ходимларини санитария ва гигиена қоидаларига амал қилишини таминлайди.

- Объект ҳудудидаги ишчи-ходимларни яшаши учун ўзининг ҳисобидан ўрин кўрпа-тўшак, чойшаб, ошхона ва бошқа жихозлар, озик-овқат ва ошпаз билан таминлайди.

- Буюртмачи томонидан сарфланган харажатлар, яъни электр энергия, иш бажаришда ишлатилган ускуналар ва ишчи ходимларни яшаши учун кетган бошқа харажатлар Пудратчи томонидан қопланади.

## **5. ПУДРАТЧИНИ КАФОЛАТИ**

5.1 Пудратчи томонидан шартномага кўра бажарилган ишлар яқунланганлиги юзасидан Далолатномаси имзолангандан бошлаб 12 (ўн икки) ойга қадар **Кафолат** беради.

## **6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1 Барча келишмовчиликлар ва низоли масалалар тарафларнинг ўртасида ўзаро келишув йўли билан хал этилади.

6.2 Ушбу шартнома юзасидан низо келиб чиққан тақдирда бир тараф иккинчи тарафга ўз важларини баён қилган ҳолда ёзма равишда талабнома билан мурожаат қилиши керак. Талабнома иккинчи тарафга етказилганидан кейин 15 (ўн беш) кунлик муддатда унда баён қилинган талабнинг иккинчи тарафдан ижро этилмаслиги ёки ёзма равишда рад этилиши ёхуд шу муддатда талабномага жавоб берилмаслиги, судга даъво ариза билан мурожаат қилиш учун асос бўлади.

6.3 Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра жавобгар жойлашган жойдаги Иқтисодий суд томонидан хал этилади.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

7.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в - бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

-бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган сиёсат ва қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди.

## 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1 Ушбу Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ваколатли шахслар томонидан ёзма шаклда имзоланиб тасдиқланган ҳолларда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Тарафлар ўз юридик манзиллари ўзгарганда, телефон ва факс рақамлари ўзгарганда, бу ҳақда 3 (уч) кун муддат ичида бир-бирларини хабардор қилиши шарт.

## 9. ФОРС-МАЖОР

9.1 Тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш даъвомида енгиб бўлмас вазиятларга дуч келса (ёнгин, сув тошқини, zilзила ва шу кабилар). Шартнома мажбуриятларидан қисман ёки тўлиқ озод бўлади.

9.2 Тарафларда форс-мажор ҳолатлари содир бўлганда, тарафлар бир-бирларига ваколатли орган томонидан берилган содир бўлган ҳолатни тасдиқловчи ёзма шаклдаги маълумотномасини тақдим этади.

9.3 Агар содир бўлган ҳолатлар бир ойдан ортиқ даъвом этган тақдирда, тарафларнинг ҳар бири шартномани тугатишга ҳақли. Бундай ҳолатларда шартнома муддатидан олдин тугатилади ва тарафлар амалда бажарган ишлари юзасидан якуний ҳисоб-китобларни амалга оширади.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР


10.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди, ҳар бири бир хил юридик кучга эга. шартноманинг бир нусхаси Буюртмачида иккинчиси Пудратчида сақланади.

## 11. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

11.1 Ушбу шартнома рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабр кунига қадар амалда бўлади.

## 12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ”		“ПУДРАТЧИ”
<p>«ISSIQLIK MANBAI» DAVLAT UNITAR KORXONASI Кармана тумани Уйрот МФЙ Уйрот кўчаси 228-уй Тел: +9987953257 03 СТИР код: 307 122 468 ОКОНХ: 35.30.0 х/р: 2021 0000 5051 7993 4001 БАНК: «Ипак йули» Навоийский филиал МФО: 00199</p>		<p>«ZARBULOQ INJINIRING» МЧЖ 100057 Тошкент ш, Уста-Ширин кўчаси, 21-уй Телефон: 71 244-28-97; 71 244-28-98 СТИР код: 301 652 596 ОКОНХ: 43990 х/р: 2020 8000 1048 5816 5001 БАНК: Ўзбекистон Республикаси Миллий банк Юнусобод филиали</p>
<p>Рахбар  Б.М.Улукназаров</p>		<p>Рахбар  Д.М.Юсупов</p>
<p>М.Ў. </p>		<p>М.Ў. </p>



“ 22 ” июл 2022 йилдаги №96/109703 сонли шартномага илова №1

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“Иссиқлик манбаи” ДУК директори  
Б.М.Улуқназаров  
\_\_\_\_\_ 2022 йил

Навоий вилояти “Иссиқлик манбаи” ДУК томонидан “Zarbuloq InjiniRING” МЧЖ корхонасининг бажарган ишлар ҳажми – Навоий шаҳар ҳудудидаги диаметри 720 мм ли 750п.м. узунликдаги қайтувчи трубопроводни торқетлаш ишлари юзасидан қарздорликни тўлаш

РЕЖА-ГРАФИГИ

		(млн.сўмда)					
1	2022 йилда бажарилган ишлар ҳажми	2022 йил июль ойида	2022 йил август ойида	2022 йил сентябрь ойида	2022 йил октябрь ойида	2022 йил ноябрь ойида	2022 йил декабрь ойида
“Zarbuloq InjiniRING” МЧЖ	682 875,00	102 431,25	102 431,25	102 431,25	102 431,25	102 431,25	170 718,75

Бош бухгалтер:

Н.М.Эргашев

Келишилди:

“Zarbuloq InjiniRING” МЧЖ:

Д.М.Юсупов

